

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 12—13 декабр кунлари Қозоғистоннинг янги пойтахти Оқмола шаҳрига сафар қилди. Сафар давомида Президентимиз Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг Давлатлараро Кенгаши мажлиси доирасидаги учрашувида, шунингдек Қозоғистон мустақиллигининг олти йиллиги ва Оқмоланинг пойтахт

деб эълон қилинганга бағишланган тантанали йиғилишда иштирок этди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби хитой тилида нашр этилди. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг Пекиндаги элчи-

Ҳафтанинг юлдузли онлари

хонасида тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Худди шу асарнинг тақдимномаси Ҳиндистон пойтахти Деҳлидаги Ҳинд халқаро марказида ҳам бўлиб ўтди.

Вазирлар Маҳкамасида оила манфаатларини таъминлаш

юзасидан 1998 йил учун тадбирлар Давлат дас-тури лойиҳасини ишлаб чиқиш буйича Республика комиссияси ва унинг ишчи гуруҳлари мажлиси бўлди.

Ўзбекистон Парламентининг навбатдаги X сессияси Олий Мажлиснинг янги биносидан ўтказилиши кутилмоқда. Айни

кунларда янги бинада сунти жиҳозлаш ва пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

Республикаимизда Ҳиндистоннинг ёш кино усталари суратга олган фильмлар фестивали бошланди. Фестивал 1998 йилнинг 21 январига қадар давом этади. Фестивал учун Ҳиндистон томони олти филмни бепул тақдим этди.



Одил ЁҚУБОВ, ёзувчи:

Президентимиз жуда савоб ва буюк ишни кун тартибига қўйдилар. Оила мустақиллиги жамият кудратини таъминлайди. Фарзандлар тарбияси эса келажакнинг маънавий-ахлоқий қиефасини, яратувчанлик салоҳиятини белгилайди. Бу эзгу ишдан четда туришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Абдулла ОРИПОВ, шоир:

Бу ҳикмат шарҳини уйладим

узоқ,

Ростдан она эрур қилган олам.

ОИЛА – ТАБИАТНИНГ ШОҲ АСАРИ

Гарчи барчамиз ҳам падармиз,

бирок

Онадан тугилган пайгамбарлар ҳам.

Абдусайд КҮЧИМОВ, ёзувчи:

Юртбошимиз айтганидай, оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил — она! Аёл покизалик, оқилалик, садоқат, меҳр-оқибат ва вафодорлик тимсолидир. Биз ўзбек оиласига хос булган бу эзгу фазилатларни шу

қадар улуглашимиз керакки, улар йўлимизни мунаввар қилиб турсин.

Охунжон МАДАЛИЕВ, хонанда:

Ота дуосини олган, онасини рози қилган, оиласида каттага ҳурмат, кичика иззат ҳисларини қарор топтира олган одам элу-юрт ҳамда киндик қони тукилган Ватан хизматига доимо пешвоз.

Қушиқларимиз ҳам ана шу эзгуликка, албатта хизмат қилиши керак.

Дилором УМАРОВА, диктор:

Миллий узликни англаш сабоғини инсон аввало ўзи униб-ўсаётган оиласида олади. Шу сабабдан 1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши барча ўзбек аёллари каби менинг ҳам кунглимни чароғон қилди.

Достон УБАЙДУЛЛАЕВ:

Қушиқчи бўлиб етишишимда оиламиздаги муҳит таъсири бекиёс. Онам айтган аллалар доимо кулогим остида жаранглайди.

«Соғлом авлод учун»

ЕТИМНИНГ КЎНГЛИНИ ОВЛАГАН...

Баланд тоғлар бағридан манзил топган Бойсун туманидаги «Мехрибонлик уйи»да тарбияланаётган стим болаларнинг ҳаётидаги яна бир кун гам-ташвишдан озод, қувончларга қоришиб ўтди. Бунга боис шу эдики, «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими уларга 20 минг сумлик кийим-кечак, санитария-гигиена анжомлари келтириб тарқатди.

ОНАЛАР ХУРСАНД БЎЛИШДИ

Булган томонидан вилоят тўғруқхонасига 32 минг 740 сумлик санитария-гигиена анжомлари, беморлар учун асқотадиган пойафзал, кийим-кечак, шунингдек озиқ-овқат маҳсулотлари ҳада қилинди.

АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

Термиз шаҳридаги «Маърифат» маҳалласида истиқомат қилаётган ун беш нафар ногирон болага қарийб ўттиз икки минг сумлик кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари хайрия ердами тариқасида берилганлиги ҳам жамғарманинг уз бурчидан келиб чиқиб қилган афзал амалларидан бири бўлди. Шу кунги ногиронларнинг кемтик юракларига қувват энганини, қузларидан бир ажиб ёруғлик пайдо бўлганини курсангиз эди...

Уз мухбиримиз

ҚИЗИҚАРЛИ
УЧРАШУВ

Яқинда шаҳримизнинг Ҳамза туманида жойлашган 148-мактабда Хотин-қизлар ресурси маркази фаолларининг «Турон» маҳалласи аҳли билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув «Хотин-қизлар ҳуқуқлари» мавзусида бўлиб, унда АҚШнинг «Future» гуруҳи, Голландиянинг «НовИБ» ташкилоти ходимлари ҳам иштирок этишди.

Учрашувда Хотин-қизлар ресурси маркази раҳбари М. Тўхтажасва қисқача маъруза қилиб, марказ амалга ошираётган ишлар ҳақида сузлаб берди. Бундан ташқари «Future» гуруҳи менежери Маргарита Гокун Сильвер, шу гуруҳ ақу-

шер-гинсколог маслаҳатчиси Л. Жураева, Голландия «НовИБ» гуруҳининг Марказий Осиёдаги вакили Хедер Кармиш, «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармасининг туман таянч пункти директори Р. Жураевалар ҳам уз фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Йигилишдан мақсад «Ойла йили» деб эълон қилинган 1998 йилда хотин-қизлар турмуш даражасини ошириш, уларни ижтимоий, моддий ва маънавий ҳимоя қилиш, соғликларини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги вазифаларини белгилаб олиш эди.

Уз мухбиримиз

Ахборот

СИРДАРЁЛИКЛАР ГАЗЕТА ЎҚИМАЙДИМИ?

Истеҳзо

Биз яқинда ижодий сафар билан Сирдарё вилоятида бўлдик. Дастлаб таомилга биноан вилоят ҳокимлигига йўл олдик. Вилоят ҳокимининг уринбосари Камолдин Оқбутаев билан бўлган суҳбатимиз анча мароқли ўтди. Хусусан, у киши газетамизни мутолаа қилишини, унда берилган мақолалар тарбиявий жиҳатдан жуда долзарблигини қайд этдилар. Сунинг 1998 йил Президентимиз томонидан «Ойла йили» деб эълон қилинганлигини эслаб, газетамизга обунани илгаригидан-да кучайтириш, обунани масаласига масъул ташкилотлар ишини жонлантириш зарурлигини кистириб ўтдилар. Сафаримиз гарчи

обуна важдан бўлмаса-да биз бундан хурсанд бўлдик. Вилоятнинг шаҳар ва қишлоқларида газетхонлар билан ўтказилган учрашувлар эса қувончимизга қувонч қўшди:

— Мен «Ойла ва жамият»ни турт йилдан буён ўқийман. Унда бериладиган мақолалар оламни ўйлашга, мулоҳаза қилишга ундайди. Турт йил бўлаётгани унинг биронта сонини қолдирмай ўқийман. Газета менинг сеvimли нашримга айланиб қолган, — дейди боёвлик онахон Ҳалимахон Умаралиева.

— Мен йил давомида газетанинг турт-беш сонини ўқидим. Менга жуда ёқиб қолди. Лекин кўйин газетани топишнинг иложи бўлмади. Илгарилари обунани деган гаплар буларди. Бу гапни

эшитмаганимизга ҳам анча бўлиб қолди. Қани энди бу ишга бир жонқуяр топилса-ю биз сеvimли газетамизни ўқишга муяссар бўлсак, — дейди тулистонлик такси ҳайловчи Назар ака Исмаилов.

Биз у кишининг гапларига унча ишонмадик. Негаки, обунани назаримизда рисоладагидай қилаётгандек эди.

Лекин Тошкентга келиб, обунанинг бориши тўғрисидаги руйхатни куриб, Назар ақанин ҳақ эканлигини аниқладик. Руйхатда қайл этилишича Сирдарё вилояти буйича газетамизга обунани юзтага ҳам етмаган...

Басира САЙИД АЛИ

МУНОСАБАТ
ЎЗГАРАРМИКАН?

Фикр

Яқинда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан бир гуруҳ фахрий педагоглар Самарқанд, Хива, Бухоро шаҳарларига сайру-саёҳат қилдик. Қадим аждодларимиз қўрган масжиду мадрасалар, миноралар мақбаралар давримизнинг қули гул усталари томонидан нозик дил билан таъмир этилаётганини куриб, уларга тасаннолар айтдик. Шу сафар баҳона бўлдию, мени бир ўй сира тарк этмай қолди. Пойтахтимиз Тошкентда ҳам ана шундай тарихий обидалар анчагина. Лекин...

Ҳазрати Имом Қаффоли Шоший (Хастимом), Қукчадаги Шайх Зайниддин бобо мақбаралари, Қукалош ва Бароқхон мадрасалари кунгидагидек таъмирланмаган. Ҳатто Қукалошда таъмир ишларининг бошланганига 20 йиллар бўлди-ёв, чамамда. Ҳануз тўтамайди. Хастимом мақбараси атрофини забт этган тарражлар, шу атрофдаги бешта маҳалла аҳли томонидан тукилаётган аҳлатлар худди юзга тошган хунбузардек, кузга ёқимсиз қуринади.

Истагим, Тошкентда ҳам тарихий обидаларга муносабат Хиваю Бухородагидек бўлса эди.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
Тошкент шаҳри, Ибн Сино маҳалласиҚўғирчоғим оппоғим,
Ақлигим дўмбоғим

ган солиқдан буйин товланган бадавлат ва мансабдор шахсларни қулга тушириш операцияси жараёнида Л. Паваротти 10 миллиард лир миқдорда даромадни яширгани аён бўлди. Хонандага қарзни тулаб қўйиш учун икки ой муҳлат берилди.

Молия вазирлиги даромадларни тақшириш чоғида яна 150 нафар таниқли артист, мусаввир, хонанда ва ёзувчилар ҳар хил баҳоналар билан солиқдан қочиб юришганини аниқлашга муваффақ бўлди.

Асаб системасини ишдан чиқарилган газ баллончаларини очик савдола сотиш қаснодарлик ота-оналарга қимматга тушди. Шаҳардаги 1-сон мактабнинг бутун 6 «В» синфи касалхонага ётқизилди. 24-лисейдаги 64 ўқувчи бу «ўйинчоқ»дан заҳарланишди, шулардан 3 нафар бола оғир аҳволда...

Шаҳар ҳокимияти шошили-нч чоралар қуришга мажбур бўлди. Ҳокимият 18 ёшгача бўлган болаларга газ баллончаларини сотишни таъқиқлаш ҳақида қарор чиқарди ва бундай буюмлар билан савдо-сотиқ қилишни тартибга солишга киришди.

Россияликларнинг шахсий автомобилга эга бўлиш иштиёқи кун сайин ортиб бораётганини қуйидаги рақамлардан ҳам билса бўлади. 1997 йили бу мамлакатда аҳолининг ҳар 1000 нафарига 100 донга автомобил турғи келди. Мутахассислар бу курсаткичлар жуда тез суръатда ушиб кетаётганини таъкидлаш-шиб, яқин 2—3 йил ичда ҳар минг кишига 400 тагача шахсий автомобил турғи келишини айтишмоқда.

Қозғистоннинг собиқ пойтахти ва бошқа шаҳарларида биринчи даражадан бошлаб қулбола ароқ билан савдо-сотиқ қиладиғанларга қатъий чора қуришга киришилди. Маҳаллий ҳокимиятларнинг қарори буйича куча-қуйларда бундай маҳсулотларни сотиш мана этиб

қуйилди. Биргина Олма-ота шаҳрида шу йил мобайнида қулбола ароқдан заҳарланиб вафот этганлар 50 кишидан ошган. 7 минг киши эса шундай ичимликдан оғир хасталикка учраб, ногирон бўлиб қолган. Яширин йўллар билан ароқ сотишнинг олдини олиш учун шаҳарлардаги милиция бўлимларида тезкор махсус бўлимлар ташкил этилди.

Германияда бундесвер аскарларига фақат сарғиш-қуқмигир ички кийим кийишга рухсат этилган. Аёл-аскарлар эса уч йилда бир марта оқ газламадан тикилган ички кийим олиш учун 450 марка қўшимча ҳақ олишарди. Яқинда бу имтиёз бекор қилинди. Энди аёл-аскарлар йигитлар киядиган ички кийим билан таъминланадиган бўлди. Бироқ бундесвернинг аёл-аскарлари бу имтиёзни йўқотишганига унчалик қайғуриш-маса ҳам бўларкан. Чунки улар янги бир имтиёзга эга бўлишди: бундан кейин улар уз полкларидagi аскар йигитлар билан жансий алоқа қилганда жазоланмайдилар.

Дунёга донги кетган машҳур актриса Брижит Бардо кексайган чоғида жаҳондаги жамияки ҳайвонлар гамхури си-фатида ҳам танилган. У жонворларнинг «ҳақ-ҳуқуқлари»ни ҳимоя қилиб, тез-тез «жанипта» киришиб туради. Актрисанинг навбатдаги ҳужуми энг юксак мода санъатининг таниқли устаси Жан Поль Готьега қаратилди. Брижит Бардо ҳеч бир аяб ўтирмай Готьенинг обрусини тутлай тукди. Сабоби Ж. П. Готье узининг янги кийим-кечаклар коллекциясини яратишда камеб ва қимматбаҳо қизил тулки терисини ҳам безак учун ишлатган. Бу иши учун у мадам Бардолан бири-бирдан аччиқ таърифу тавсифлар эшитди... ва ҳангоматалаб жамоатчилик энди Готьенинг «қарши ҳужуми»ни кутганда, устанинг ходимлари ута босиқлик билан масалага ойдинлик киритишдан нарига ўтишмади. Ҳарқалай, улар Брижит Бардо билан ҳазиллашнинг яхшиликка олиб бормаслигини ҳисобга олишган бўлса керак.

Аввал хабар қилганимиздек, марҳум қиролича Диананинг ақаси Чарльз Спенсер ниҳоят хотини Виктория Локвуд билан саккиз йиллик турмушларини бузиб, никоҳни бекор қилишга эришди. Суд Викториянинг талаби билан Лондонда бўлди ва у мақсадига эришди. Ҳисоб: 4 миллион доллар, Кейптаун шаҳридаги уй-жой ва қимматбаҳо автомобилни қулга киритди. Судда собиқ эр-хотин бир-бирининг устидан аямай магзава туқишди. Бироқ ажримдан сунг дуст бўлиб қолишга ваъда беришди.

Собиқ эр-хотин «озодлик»га чиқиб дарҳол узларига хуштор топиб олишди. 33 ёшли Чарльз яна гузал маникенлар билан ошқора топишиб олган бўлса, 32 ёшли Виктория узининг 26 ёшли йигитига кетди.

Қонун ҳамма учун бир хил, деган тартибда иш тутган италиялик солиқчилар яқинда машҳур опера қўшиқчиси Лучано Павароттининг таъбини хира қилди. Италияда Молия вазирлиги томонидан бошлан-

Оила — инсоннинг камол топиши, дунёқарашининг шаклланиши учун шарт-шароит яратадиган тунгич тарбия маскандир. Инсон ақлу тафаккурининг парвози ҳам ана шу фаолият майдонидан — оила бағридан бошланади. Доно халқимиз эр-хотинни қуш ҳуқуз, деб таърифлагани ҳам бежиз эмас. Оиланинг энг биринчи муқаддас вазифаси жамиятга, давлатга ҳурлом, истисъодли авлодни етказиб беришдир. Бу масъул вазифа эса оиланинг икки устуни — ота-онага барабар бурч юклайди. Оиланинг моддий ва иқтисодий пойдевори кўпроқ оталар зиммасидаги юк бўлса, маънавий-ахлоқий муҳитини яратиш оналарнинг чекига тушадиган ижтимоий вазифадир.

Шарқда қадимдан оила муқаддас Ватан ҳисобланган, унинг мустақкамлиги, моддий қуввати, эл орасидаги обрў-эътибори нафақат ота-онага, балки бобо ва буви-ларга, бутун хонадон аҳлига, етти пуштининг наслу-насаби-га ҳам боғлиқ саналган. Шу боисдан ҳам оиланинг сир-синоати кучага чиқмаган, унинг ҳар қандай муаммолари шу хонадон уруг-аймоқлари уртасида муроса-ю-мадора билан ҳал қилинган. Бирор оилادا ота эки она оламдан утса, стим қолган болаларнинг тақдирини биринчи вазифа бўлиб қолган. Тақдир чорраҳасида қолган болакайни ҳеч қачон бегона уйларга, бошқа бир оstonага зор қилишмаган. Султон суягини хор қилмас, дейдилар. Уз пушти-камаридан булган фарзандларини ёлғиз она қарамоғига ташлаб кетиш эркак учун орият саналган. Дунёга келган фарзанднинг барча ташвиши, барча харажатлари то у оёққа туриб, рўзгор тиклагунча ота-онанинг эки ота авлоднинг зиммасида бўлган. Ана шу қадим анъаналаримизнинг энг яхши томонлари Олий Мажлисимиз таярлаётган «Оила» кодексига уз ифодасини топтоғи керак.

Иккинчи томондан бизнинг шарқона хонадонларда оилавий расм-русумлар, ақидаларга қаттиқ эътибор берилди. Аммо бу расм-русумлар, ақидалар фарзандларимизнинг оёғига кишан бўлмастлиги лозим. Узбек оналари уз фарзандларининг олиста учирма бўлишини унча хохламайдилар, атрафига тушлаб утирадидилар. Лекин замон узгаришлари, тафаккурдаги инқилобий узгаришлар оила иқлимига кириб бормаса, жамиятда ҳам тараққиёт бўлмайди. Оилаларда, айниқса, қизларимизни тезроқ турмушга узатиб, эгасига топшириб, кўнглини хотиржам қилиш

каби маҳдуд тушунчалар мавжуд.

Жаҳонга чиқаётган, мустақил давлат кураётган Ўзбекистоннинг бутунги уғил-қизлари замонавий билимларни эгалламасалар, дунёнинг турли ривожланган мамлакатлари болалари билан ақлий баҳсларга ярамасалар, миллатимиз, демакки, давлатимиз тараққий етолмайди. Еш қизларимиз, уғилларимиз озод ва ҳур фикрли, мустақил булсаларгина буюк ақллар мусобақасида, буюк истисъодлар майдонига ўзликларини намойиш этадилар. Уларнинг бундай имкониятларга эга бўлмоқликларини учун оилаларнинг иқтисодий мустақкамлигини таъминлашимиз даркор. Оилалар қанча тўқ ва иқтисодий кучли бўлса, давлат шунча қудратли ва фаровон бўлади.

Бунинг учун болаларимизнинг суяги қотмасдан уларни меҳнат тарбиясига ургатишни изчил йўлга қўймоғимиз

ОИЛА — ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

керак. Лекин меҳнат тарбияси, деб болаларни ялпи меҳнатга сафарбар этиб, уларни ишдан беэдириш, доводиратиб қўйиш ҳоллари ҳам йўқ эмас. Қишлоқ оилаларида фарзандларимизнинг ёзи таътиллари қандай ўтмоқда? Уларнинг соғлигини тиклаш, уларга турли спорт майдончалари, дам олиш масканлари яратиш бериш кўнглидагидайми? Ё қишлоқ боласи эртадан-кечгача даладан чиқмай, эки мол-ҳол боқиб, уз билим даражасини устириш эсидан чиқиб, куча чангитиб юрибдими? Бу ҳол оилалар, маҳаллалар, биз катталарнинг назаридан четда қолмадими? Ана шу ҳақда жиддий уйлаб, фикр қилмоқ барчамизнинг биринчи ишимиз бўлмоғи керак.

Ҳар битта дунёга келган фарзанд — халқнинг бебаҳо бойлиги. Ҳар битта янги фарзанд оиланинг янги ҳаёти, авлоднинг янги умри, халқнинг янги умидидир.

Оила маънавият бешиги ҳамдир. Айниқса, маърифатпарвар шарқда авлоддан-авлодга, наслдан-насла, оиладан-оилага бобомерос бўлиб келаётган нодир қўлэмалар, ноёб китоблар, рисоалар, халқ амалий санъати намуналари, хунарамандлик санъатига оид асбоб-анжомлар азалдан кўз қорачиғидай асраб-авайланган. Оилаларда бундай буюмлар маънавий бойлик сифатида, утмиш аждоғлардан қолган файзу-барака, деб асралмоғи даркор. Оилавий китобхонликлар, беҳли, хонлик, навоийхонлик, машрабхонлик, нодирахонликларни қайта тиклаш оиланинг, бутун бир авлоднинг, демакки, миллатнинг маънавиятини кутаришда, ўзлигини англашда, миллатнинг миллат си-

Баҳс

фатида равнақ топишида ҳаётбахш бўлоқ кўзини очиб, демакдир.

Оилалардаги баъзи нохуш иллатлар: молпарастлик, даб-дабозлик, дастурхонларни турли ичимликлар билан тулдириб ташлаш каби ҳолларга барҳам бериш пайти келди. Улғига эки қизига сандиқ-сандиқ мол йиғиб, унинг билимидан, малакасидан хабари бўлмаган ота-оналар анчагина. Оилаларда, маҳаллаларда компютер хоналарини ташкил этиш, куча болаларини жамлаб, маҳалла эки уй-жой бошқармалари, уй қўмиталари қошида турли шахмат-шашка хоналарини йўлга қўйиш учун имкониятимиз, кучларимиз етарли. Болаликнинг билагига сизмаган тизгинсиз куч-қуввати, ҳар нафасда турланиб турадиган орзулари, қизиқишларини тўғри узанга солиш, уни бошқариш учун нафақат оила, балки атроф-маҳалла, жамоатчилик ҳам куч-гайратини аямаслиги керак.

Ватан тарихини, еру осмонини, қазилма бойликларини билиш учун «Ёш улкашунсо» ойномасини ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб уйлайман. Шунда болаларнинг бутун фикр ва қувват дунёси бир эзгу нуқтага йиғилиб, каш-фиётлар, истисъодлар гузал мева беради.

Икки оғиз гап оиланинг маънавий-ахлоқий муҳити хусусида: ҳали боласининг тарбиясини бутунлай оналар, аёллар елкасига юклаб қўядиган оталар борлигини биллашимиз. Эки болалари тарбиясини фақат мактабларга ташлаб қўядиган ота-оналар ҳам борлиги аён. Эки вақтинча машаққатлар исканжасида снгилиб, болаларини бозор гирдобига ташлаб қўйган ноқобил ота-оналар учраб туради. Баъзи ҳолларда болаларига нотўғри ибрат курсатаётган, озгидан боди кириб шоди чиқаётган, ичкиликка ружу қўйган ота-оналар жамиятнинг шури.

Халқнинг наслу насаби пок-қизилиги оилалардан бошланади. Оиланинг илдизи бақувват бўлса, иймон-этиқод қатламлари мустақкам бўлса, халқ бақувват ва тафаккур учкур бўлади. Оиласиз халқ, халқсиз давлат йўқ. Бу уч муқаддас тушунча — миллат тирикчилигининг уч илди-зи бир-бирига узвий боғлиқлиги учун ҳам биз бутун оилалар хусусида юрагимиздаги бор гапларни айтаямиз. Оила фаровонлиги эса мустақил давлатнинг гуллаб-яшнаши, тараққиёт даражаси, куч-қудрати, мамлакатлар кўзи унгидаги обрў-эътиборидир.

Ойдин ҲОЖИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоираси

ЗАҲАРЛАНГАН БОЛАЛИК



«Иштирокчи давлатлар 15 ёшга етмаган болаларнинг ҳарбий ҳаракатларда қатнашмасликлари учун барча чора-тадбирларни қўллайдилар».

«Бола ҳуқуқлари Конвенцияси» (38-модда, 2-боб)

Дунё нотунгич. Оммавий ахборот воситалари ҳали қайсибир мамлакатда уруш бўлаётганлиги ҳақида ташвишли хабар берса, ҳали аллақасерда киргин бўлаётгани аён бўлади. Энг ачинарлиси шундаки, бу киргин-баротлардан болалар ҳам «бебаҳра» қолмайтти.

ЮНИСЕФ маълумотларига қўра, сунгги ун йилликда урушлар оқибатида 2 миллиондан зиёд бола қурбон бўлган, 4—5 миллионга яқин бола ногиронга айланган, 12 миллиондан ортиқ бола бошпанасиз қолган.

Узлуксиз давом этаётган уруш оқибатида 8 йил давомида Анголада 330 минг, Мозамбикада 490 минг нафар бола қурбон бўлган. Руандадаги қонли туқнашбулар натижасида 114 минг нафар бола ота-онасини тополмай дарбадар кезинган. 1995 йилда утказилган суров натижаларига қўра, Анголада ҳар беш боладан бири дом-дараксиз йўқолган.

Гарбий Африка мамлакатларидан биридаги болалар билан шуғулланувчи марказ директорининг таъкидлашича, қалбига жароҳат етган болалар билан ишлаш мушкул. Негаки, улар спиртли ичимликлар, гиеҳванд моддалар — асосан марихуана ва героин огуларининг таъмини тоғиб қўришга улгуришган. Либериядаги ун минглаб болалар ҳаёти ана шундай заҳарланган. Либериялик бир мутахасссининг айтишича, бу янглиг жароҳат олган болаларнинг қўпчилигини ҳатто ота-оналари қабул қилмаган.

Дунёда шундай воқеалар рўй бериб туради: бола далага уйнагани, мол боққани, утин тергани чиқиб кетиб, жисми билан бутунлай уша далага қоришиб кетади. Маълумотлардан аён бўлишича, дунёда ҳар ойда 800 нафар одам пиелдаларга қарши қўлланувчи миного учраб, ҳаётдан кўз юмаётти. Яъни бутунги кунда жаҳоннинг 64 мамлакатига замин уз бағрига 110 миллионга яқин минани яшириб турибди. Чунончи, биргина Камбоджанинг узидда 7 миллионга яқин мина ерга қумилган бўлиб, бу ҳар камболжалик болага 2 дондан тўғри келди, деганидир.

Уч минг нафар руандалик болалар орасида утказилган суровда, уларнинг 35 фоизи урушини, хунрезликларини, таърифлашга тил оқизлик қиладиган тажовузкорликларни қўришганини айттишган.

Ҳа, ҳали дуненинг кўпгина жойларида норасида болаларнинг уйқуси нафақат бедор, балки кил устиде. Ешлиги заҳарланган боланинг тақдирини эса жароҳатлар изи қўп.

Алишжон САФАРОВ



Бешиқда улғаяр келажак

«Оила ва жамият» газетасининг ҳар бир сонини ўқиб бораман. Унда қизиқарли, мазмунан раиғ-баранг мақолалар чоп этилгани учун ҳам ўқиб зерикмайсан киши. 49-сондаги «Билмайин босдим тиканини» сарлавхали мақолани ўқиб, бир жиҳати Хуршида ҳам, Зебога ҳам ачинадми. Еш бошларига шунча ташвиш, гам тулибди. Лекин иккови ҳиссиёлари берилиб, муҳаббат, ҳаё, номус отли чинни пиеллага дарз туширганлари чакки бўлибди.

Никоҳсиз тутилган болани эса эскилар «валди зино» дейишган. Ундайлардан ҳар нарсани қўтиш мумкин. Бунга газетанинг 50-сондаги «Муҳалла теккан тош» мақоласида тасвирланган воқеа ҳам мисол бўлади. Валди зинонинг маҳсули бўлган бола йул бўйида утган-кетган машиналарга тош отиш билан машғул. Шу кетилида у бир кун улғайиб бундан-да катта номаққулчиликни қилиши тайин.

Мана шундай муаммолар мақолалар юртбошимиз «Оила йили» деб эълон қилган 1998 йилда янада кўпроқ чоп этилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Токи Хуршид ва Зеболарнинг қисмати оила, никоҳ каби муқаддас тушунчаларга энг-еши қаровчи айрим ешларга урناк, сабоқ бўлсин.

Исроил НАБИЕВ,
Тошкент шахри

ЕНГИЛТАКЛИК «МЕВА»СИ

Акс-садо

Махмуд ТОИРОВ



ОНАЖОН

Сочингизнинг толасида дунё сочи оқармиш,
Жонингизни жаранглашиб вафо чакмоқ

чакармиш,

Аллангизнинг оромлари оёғи ҳам хуш еқармиш.
Дарёдилим десам дарё хижолатдир, онажон,
Пойингизга тиз чўкмоқлик саодатдир, онажон!

Юрагимга учмас чўғни ташлаб турган қуёшим,
Қаро тунда шамчирогим, ойдан ёруғ йўдошим.
Тош кўнглимни тоширган ул, кўзимга қалққан
ёшим,

ЧИННИДАЙ ЧИРОЙЛИ ОВОЗИНГИЗ БОР

Дуолардан дил боғига гул қадаган, онажон,
Жойнамознинг жамолига нур қадаган, онажон!

Тандирда тулгонган уг, қалбингиз каломими,
Қўлингизда қулган нонлар, Яратган саломими,
Набирангиз наволари умрингиз давомими,
Хонадоним Хумоси сиз, Қаббам, Маккам, онажон,
Рўзгоримни рўшно қилган оқил ҳакам, онажон!

Фарзандлик фарогатининг тахтида ултирибман,
Оналари омонларнинг бахтидан бек юрибман.
Шукрим шалола Махмуд, қошингизда турибман,
Оятларим омонлиқдир, бу дунёга онажон,
Тангри ўзи ёр бўлгандир қуш дуога, онажон!

Йўлдаги тош

Йўлларимда ётган тош,
Товонимга ботган тош,
Салмогингда ситам бор,
Ўздан ор ётган тош.

Йўлларимда ётган тош,
Дема ўзи ётган тош.

Тили бўлса айтарди
Кимлар кимга отган тош.

Бир гап айтгим келди

Бир гап айтгим келди қулоғингизга,
Жоним тақиб қўяй балдоғингизга,
Бармоғим бир тегса бармоғингизга,
Ошиқлар ахтарган гуллар очилгай,
Юрар йўлингизга нурлар сочилгай.

Чиннидан чиройли овозингиз бор,
Тошни ҳам тилгувчи дил розингиз бор,
Турнани тушовлар хуш нозингиз бор,
Қор ёғса ярашмас қабоғингизга,
Парвона керакдир чирогингизга.

Сизни қўриб ой осмонга сизмайди,
Қушмишсиз, қараб кўзим тўймайди,
Сўраганим битта ширин бусайди,
Кириб булармикин дил боғингизга,
Бир марта лаб боссам дудогингизга.

Гузаллар кўзгусиз соч тарашмайди,
Санамлар қул зотиға қарашмайди,

Куйсак, қучангизга қул ярашмайди,
Хол-ку бўлмадик ёноғингизга,
Бошим болиш бўлса оёгингизга.

ТАМАННОДАН ТИТРАДИМ

Гул атри гулбоғ ичра гул новдасин қуйдирар,
Ошиқнинг оҳи ҳаргиз дил пардасин қуйдирар.
Яратган танлаб-танлаб қул бандасин суйдирар,
Товонингга тўқилган таманнодан титрадим.

Чироқнинг чиройига парвона жонин тикмиш,
Бу не ҳусну латофат юрагимга гул экмиш.
Ойдан гузал бекоийм, остонангга қул чўкмиш,
Товонингга тўқилган таманнодан титрадим.

Бойчечакни бозордан терганим ким қўрибди,
Қалдирғочга бу қошни берганим ким қўрибди,
Елгизнинг естигини қулганим ким қўрибди,
Товонингга тўқилган таманнодан титрадим.

Зулфизарин ифори ахтардим атирда йўқ,
Қошларининг қиёси мен топган сағрда йўқ.
Махмудни қул қилгандир қўқсида гуллаган чўғ,
Товонингга тўқилган таманнодан титрадим.

ПЛАФАККУР ЧИРОҒИ

Номус — чин гузаллик ана шу!

Р. РОЛЛАН

Номус — виждоннинг суврати, виждон эса,
номуснинг сийратидир.

А. ШОПЕНГАУЭР

Номус савдоси одамни бойитмайди.

Л. ВОВЕНАРГ

Номус ҳаётдан қимматлидир.

Ф. ШИЛЛЕР

Номус одамзот донишмандлигининг тамал
тошидир.

В. БЕЛИНСКИЙ

Номус — улимдан кучли.

Ўзбек мақоли

Ҳақиқий номус ноҳақлик билан қлиша ол
майди.

Г. ФИЛДИНГ

Жамшид САЪДИЙ тайёрлади



Абду Фани ЖУМА олган сурат

Муносабат

утишмаган-да», дейишди.

Эпирай! Бунинг болала-
ри, демак, демак...

Нега шундай қиламиз-а?
Нега тугилагаж болани уйла-
маймиз? Хўп, домла никоҳ
ўқиб қўяр... Аммо фарзанд
қонуний — отали бўлмоғи
учун Давлат маҳкамаси то-
монидан қайд этилмоғи ке-
рак-ку!

Ха-ҳа, инсоният «Зағс» де-
ганини бекорга уйлаб чи-
қармаган! Илмий тилда айт-
сак, бу — оиланинг мустаҳ-

Кўнглим эзилди

мал тоши акс этган ҳикмат-
дир — бу!

Бир жойга меҳмонга бор-
дик. Уй бекаси ёшгина жу-
вон экан. Меҳмондорчилик
учун раҳмат айтиб, ташқари-
га чиқаётганимизда, уй ху-
жаси шундай деб қолди: «Яна
меҳмон буласизлар. Бу гал
катта оиламизда...»

Демак, бу — унинг «кич-
кина оиласи» экан-да! Де-
мак, бу барно жувон — хужа-
нинг кичик хотини!

Кўнглим ўқиб, жувонга
қарадим: у синиқ жилмайиб
турарди.

Йўлда бу «ЧП» ҳақида гап
кетди. Келинчакнинг «си-
ниқ»лиги ҳақида сурасам,
шерикларим: «Зағседан

камлиги, фарзандларнинг
қонунийлигини таъмин-
лайди!

... Хужам эртаси-бириси
кун «катта хотин»нинг уйи-
га кетиб қолсалар, нима бу-
лади?

Жувон-ку — ёш экан. би-
ровга «бошини пана» қилар.
Аммо болалар-чи? Бошида
соябони — отаси... йўқ, де-
мак, стим болалар-чи?

Уларнинг ўқисиши, тоабд
кўнгилилари «яримта» бўлиб
қолишини уйлаб, шоир айт-
ганидай:

Эмгир ееди, ееди

майдалаб,

Майда-майда будди

юртим.

ГУЛИ,

Тошкент шахри

ЁМОНДАН ХУДО АСРАСИН

Маҳалламизда бир келин бор.

Жуда ажойиб аёл. Келин бўлиб
тушибдики уй-рузгор, бола-чақа
ташвиши билан банд. Унинг биров
билан гийбатлашиб турганини ҳеч эслолмайман. Вақти-
соати келиб шу аёл ҳам қизларини турмушга чиқариб, утил
уйлантиради. Ана ушунда совчилар «онаси тилла бўлса, қизи
ҳам тилла бўлади-да» дейиши турган гап. Ахир «онасини
қуриб, қизини ол», — деб бежиз айтилмаган-ку. Мен шу аёл
ҳақида уйлаганимда, кўпроқ унинг эрига ҳавас қиламан.
Ахир рафиқасига маҳалла-қуй ҳавас қилса эркак киши учун
бундан ортиқ бахт борми? Бир донишманд «Фарзандлари
була туриб зериккан аёл нафратта лойиқдир», деган экан.

— Зерикиб кетдим, — дея баъзан кучага чиқиб оладиган
аёлларни курсам очиги энсам қотади. Эсимда, маҳалламиз-
даги онам тенгилар бир-бирини йўқлаб, ҳол-аҳвол сураб
туришарди. Бир пиёла чай устида ширин сўхбат қуришарди.
Улар кучада туп-туп бўлиб туришни уларига эи қурмаган-
лар. Уйлаб қоламан, уша бир неча соатлаб кучада гийбатла-
шиб турадиган аёлларнинг уйларидан илон чиққанми? Эр
бечора уйим-жойим, бола-чакам, деб эрта кетиб кеч қайтса,
хотин эса кучада «навбатчилик» қилса, фарзанд тарбияси
нима бўлади, ҳайронман.

Бир аёлни биламан. Ҳовлисига кирсангиз, уни ҳар доим
иш устида курсасиз. Дастурхони ҳар кунни пишириқларга
тула. Болаларнинг уст-боши озода. Эри ҳам бундан хурсанд.
Уша аёлнинг қизлари ҳам онасига ухшаб озода, пазанда.
Одатда эркаклар саранжом-сарингта, хушмуомала аёлларни
хуш қуришади.

Ҳа, яхши келин эл-юрт олдида ҳурмат қозонади. Эл
олқишига сазовор бўлиб, келин бўлиб борган хонадонига
битмас-тутанмас бахт келиради. Емонди эса... Емондан худо
асрасин.

Абдувоҳид РАЗЗОҚ ўғли

Мулоҳаза

Койил!

ИЧАДИГАН
АҲМОҚ ЙЎҚ

Тошпулат Ҳамид бироз
соғайгач, ундан ҳол-аҳвол
сураш учун келганлар ора-
сида шоиртабиат тенгқур-
лари кўп эди. Дастурхон
ёзилиб, таом тортилгач,
улардан бири шоирга муро-
жаат қилибди:

Даврамининг гули

ўзинг,

Мудом ўзинг, уста бил.

Кўлимизни қайтармагин,

Бизлар билан юзга қил!

Тошпулат Ҳамид эски ул-
фатнинг шаъмасига жаво-
бан дебди:

Дўстим, кўнглинг

бўлсин тўқ,

Ичадиган аҳмоқ йўқ!

УМИД,

Қизилтепа тумани

УМР ЎЗИ ЎТКИНЧИДИР

Уртача 75—80 йил умр кўрган одам ҳаёти давомида:
— 23 минг литр сулак, 18 минг литр тер ишлаб чиқаради;
— 300 миллион марта киприк қоқали;
— 4 метр тирноқ олади;
— 22 тонна овқат еб, 33 минг литр суяқлик истеъмол
қилади. Шунинг натижасида олинган энергия 100м2
квартирани 10 йил давомида иситишга етар эди;
— юрак 3 миллиард марта уради, ушқалар 720 миллион
марта нафас олиб, нафас чиқаради;
— ой қуриш давомида аёл 28 литр қон йўқотади.

Бир оилда чақалоқ дунёга келди. Аммо... Аммо, ота бундан суюнмади, аксинча изтироб чекди. Куюнди, гамга ботди, оҳ урди. Негга? Ахир, фарзанд доғида тириюкка зор қишлар қанча? Афсуслар булсинки, туғилган ўша қизча ноғирон эди. Бегуноҳ чақалоқ дунё юзини куриши ҳамон унга ёмон куз билан қарай бошланди. Кейинчи, кейин эса...

Уттан йил қаҳратон қишнинг қаҳрли совуқ куниди Нишон туманидаги «Дустлик» жамоа ширкат хужалигининг 3-булими ҳудудидан оқиб утадиган Қарши магистрал каналдан 50 кг.ли қоп топилади. Қоп ичида... Бу хабарни эшитган заҳоти туман прокурори ва туман ички ишлар бўлими оператив ходимлари воқеа содир бўлган жойга етиб боришди. Кеч соат 18да гуруҳ ходимлари топилгани каналдан олиб чиқишди. Оғзи маҳкам боғланган қонни минг азоб билан очушди. Ва... Не куз билан куришсинки, 50 килограммлик қоп ичидан 5—6 килограммлар келадиган темир булага ҳамда... одам жасали чиқди.

Махсус гуруҳ олдиде ана шу содир этилган жиноятни очибдек маъсулиятли вази-фа кундаланг бўлиб турарди. Бу муҳим жиноятни ким қилди? Нима учун? Ёш, навнихол қизнинг ҳаётига зомин бўлиш кимга керак экан? Бу чигалликларни ечиш учун шубҳалар, суроқлар, гумонлар пайдо бўлди. Хуш, сувнинг ичидан топиладиган қопдаги жасад кимники? Бу ерга қасрдан оқиб келган? Ким ташлаган? Олдин улдирилганми ёки улдирилмасдан тикрик ҳолда ташланганми? Тек-

ширишлар бошланди. Вилоят ҳудудидан 1996 йил давомида бедарак йўқолган барча хотин-қизларнинг шахси, белгилари билан солиштирилиб курилиб, ҳатто мурдани таниб олиш учун йўқолганларнинг ақинларига қизнинг жасади курсатилди.

Жасаднинг устидаги кийимлари, у уралган фуфайка, жасад солинган халта, халта ичидаги темир булага, жасаднинг эти-суяклар — ҳаммаси бирма-бир тегишли — малакали му-тахассислар иштирокида текширувдан ўтказилди. Тиббий экспертлар эса қарийб бир ой мобайнида сув тубида ётган, эти-этига ёпишиб кетган, ориқ жасадни текшириб куриб, «марҳума туғма жисмоний заиф бўлганини, унинг оёқ-қўли, мушаклари ҳаракатланмаганлиги, яъни туғма фалаж касали билан оғирганлиги, ёши 13-14лар чамасидаги қиз бола эканлиги ҳақидаги хулосани беришди.

«Қингир ишнинг қийини қирқ йилдан кейин ҳам чиқади». Бироқ буни ҳамма ҳам бирдек идрок қилолмайдиган чог. Йўқса... 1953 йилда Дехқоноб туманида туғилган, сити нафар фарзанднинг отаси, Нишон туманидаги «Дустлик» жамоа ширкат хужалигида ишловчи Холли Алиев оиласида 1984 йилнинг март ойида қиз туғилди. Аммо гулак «болалар церебрал фалажлиги» билан касалланганлиги боис кул-оёқлари ишламайди. Қизалоқнинг онаси Аспиргул Хуррамова ҳам, отаси Холли Алиев ҳам уз жигарпора-

ларига бепарво эдилар. Қизалоқни фарзанд сифатида суймадилар, куймадилар. Улар кунгида фарзандларига нисбатан меҳр уринга қар уйғонди. Ҳатто уни қайдан ўтказиб, гувоҳнома олмадилар ҳам. Бу қизалоқ-да, Ал-

бу камлик қиларди. Уни махсус тилдаги тиббий муассасаларга юбориш зарур эди. Бироқ улар бу ишни қилишмади. Даҳшатли бўлса ҳам айта қолайлик, ота она фарзандларининг улимини куттишастан эди...

Урозгул оч ва ёлғиз қолиб кетарди. Шу тариқа касали устига яна «икки томонлама учоқли зотил-жам» касаллиги қушилди. Дард енгди. 1996 йилнинг 28 ноябрида Урозгул ўзи яшаб турган тор қулбада вафот этди. Аммо ҳеч ким унинг учун фотиҳага қўл очмади, ҳеч ким Қуръони қаримдан тиловат қилмади. Урозгулнинг борлигидан, сизу биз нафас олаётган ҳаводан у ҳам нафас олаётганини билмаган одамлар унинг улимидан ҳам беҳабар қолишди. Ота она Урозгул исмли қизлари борлигини одамлардан яширишгани камлик қиландек, унинг мурдасини ҳам яширишди. Яширишди эмас, таққирлашди, азоблашди.

Азизлар! Урозгулнинг улиб қолганидан хабар топган тошбағир ота уни... тобутга эмас, қопга солди. Шу топда у оталик бурчимни бажараянман, деб ўйлагандир эҳтимол. Қопга солинган мурдани... Қабристонга эмас, каналга олиб борди. Мурданинг сувда чуқиб кетишига ишонмаган Холли 5—6 килограммлик темирнинг ҳам қизининг жасади солинган қопга жойлаштирди. Бугеги бизга қоронгу. У қопни орқалаб олиб бордимиз, ехул аравада. Балки

Астағфируллоҳ

юмалатиб боргандир. Нима булганда ҳам Урозгул бу дунё билан нариги дунё оралигида сарсон-саргардон бўлди. Шовуллаб оқайтган канал қошига келганда Холли у еқ-бу еқ, қа қараган ва ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгандан сунг... Қопни каналга отиб... кунгли тинчпган. Чуқур ух, тортиб, узини елкасидан тоғ ағдарилгандек сезган. Узича хурсанд бўлган, шодланган, қувонган.

1996 йилнинг 9 декабрида каналдаги сув камайгани боис халтадаги жасад топилиди. Шундай қилиб Холли Алиев Узбекистон Республикасининг ЖКнинг 117-моддаси 2-қисми ва 134 моддасига биноан жиноий жавобгарликка тортилди.

ФОТИҲАГА ҚЎЛ ОЧДИК

Ҳа, биз фотиҳага қўл очинг! Бу Сизнинг кузи очиб кетган бир қизалоқ руҳига ҳурмат бажо келтирганингиз булади. Ахир фарзандлари руҳига Қуръон тиловат қилишни Урозгулнинг ота-онаси узларига эп қўрмадилар.

Азизлар, фарзандни дунёга келтиришдан кура, унга бир тутам меҳр ҳада этиш хийла оғирроқ экан. Тилагимиз уша меҳр, ҳеч қачон юракларингизни тарк этмасин.

Саид МЕЙЛИЕВ,
Хонбиби ҲИММАТ қизи



лоҳнинг бир бандаси эканлигини ҳаёллари ҳам келтиришмади. Исмини Урозгул, дея ташарди. Одамлар, куни-кунли раҳ дунёда Урозгул исмли қизча борлигини билишмасди. Ота-она уни одамлардан яширишди, қурсатишмади, кичик тор ҳужрага қамаб қуйишди.

Қизчанинг аҳволи оғирлаша бошлади. Аспиргул Хуррамова-нинг фарзандига меҳри тобланиб кетди, чоғи, қишлоқ амбулаторияси шифокорларига қурсатишди. Албатта Урозгул учун

АРЗИМИЗНИ КИМ ТИНГЛАЙДИ?

Хурматли «Оила ва жамият» газетаси таҳририяти!

Биз — пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Юнусобод мавзее, 4-қаватда 11 — уйда истико-мат қилувчилар дардимизни тингловчи топилмагач, охири сизларга мувожаат этишга қарор қилдик. Гап шундаки, 1993 йил барча хонадонлар уз эгаларига хусусийлаштириб берилди. ЖЭК эса 2-ижара қорхонаси номини олди. Ана шу қорхона билан хонадон эгалари уртасида шартнома мавжуд. Унга кура, 2 — И.К. бинода ташқи таъмирлаш ишларини том, подъезд, йулақлар, ерталадаги иссиқ-совуқ сув, канализация тармоқлари таъмирини амалга ошириши керак. Лекин амалда бундай бўлмапти.

Подъездларга чироқлар урнатилмагани боис ишдан, бошқа турли юмушлардан кеч қайтадиганлар қоронғуда пиллапоаяларга қоқилиб-сурилиб юқори қаватларга кутарилишга мажбур бўлишпти. Ер остидан утган сув трубаларини таъмирлаш учун бино олдидеги йулақлар бир неча бор қазилди.

Кейин яхшилаб шиббалаб қумилмагани оқибатида йулак уйдим-чуқур холга келиб, егин-сочинли кунларда лой ва халқоб бўлиб ётади. Ана унда бу ердан пнеда у еқда турсин, зарурат билан келган машина ҳам утолмай қолади. Айниқса, бино ертуласининг санитария-гигиена аҳволи бизни қаттиқ ташвишга солмоқда. Трубалар чирини оқибатида

Аччиқтош

ерталага нафақат иссиқ сув, ҳатто канализация тармоқидеги аҳлатлар ҳам оқиб етибди. Шу гуфайли подъездга киришингиз билан зах ва балбуй ҳид димоққа урилади. Бу эса пашша, чивин, суварак ва бошқа юқумли касалликлар тарқатувчиларнинг купайишига қўл келаяпти. Бундан қурроқ 1-қаватда яшайдиганлар азийт чекаётгани ҳам сир эмас.

Юқоридаги камчилликларни бартараф этиш юзасидан 1996 йил июн ойида 2 — И.К. директори С.Бунтянга, Юнусобод тумани ҳокимига ёзма равишда мувожаат этдик. Шундан сунг жаноб Бунтян ва маҳаллаимиз кумитаси раиси Ю.Омонов биз билан учрашди. Директор камчилликларни бартараф этишга ваъда берди. Лекин шу орада у киши вазифасидан бушатилди-ю, ваъда-ваъдалигича қолиб кетди. Бу ҳолдан аччиқланиб, шу йил 23 сентябрда яна туман ҳокими муовини Р.Қурбоновага учрашдик. У киши 2 — И.К. директори И.Абдумуминовга таъмирлаш ишларини амалга ошириб, 70 кун ичида ҳокимиятга ҳисоб беришни тошширдилар. Шундан бериян уч ойча вақт ўтса-да, ҳануз сукунат, И.Абдумуминов мум тишланган.

Шунча вақтдан бери тегишли идораларга қатнайвериш чарчадик. Зора, арзимиз газетлада чоп этилгандан кейин бизни тинглайдиган мутасадди раҳбар топилиб қолса...

Т.ШАРИПОВ, Е.ШЕРБАКОВ,
Ш.НОРМАТОВА, МАНДРЕЕВА,
Б.ҚОСИМОВ ва бошқалар

БАЙРАМИНГИЗ

Болалар ва катталар ор-зиқиб кутган байрам — Янги йил қилиб келмоқда. Шу муносабат билан хонадонларда, муассаса ва ташкилотларда арча безатилади. Лекин бунда хавфсизлик қоидаларига эҳтибоб бўлиш керак. Ташкилотларда арча безатишда, байрамона кайфиятни бузувчи кўнгилсизликлар рўй бериши мумкин. Тошкент шаҳар Ҳамза



Қачон ёғар оппоқ қор

тумани 7-сон ҳарбийлашган ёнғидан муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Турғун ХОЛМАТОВ билан сўхбатимиз шу ҳақда бўлди.

— Турғун ака, арча байрамини

КўНГИПЛИ

билан боғлиқ ёнғиларни келтириб чиқарувчи сабаблар нима?

— Қушгина сабабларни келтириб утиш мумкин. Аввало, арча дисекция манбаларига яқин жойга урнатилса, уни безапда пахта, қоғоз каби тез алангаланувчи буюмлардан, шам, бенгал олови ва бошқа турдаги пиротехника в о с и т а л а р и д а н фойдаланиш, ёш болаларни арча атрофида қаровсиз қолдириш ёнғинга сабаб бўлиши мумкин. Мана биргина мисол: 1997 йил 4 январь куни тумани миздаги Галабанинг 40 йиллиги даҳаси, 1-мавзеддаги 12-уйининг 32-хонадониде ёнғин содир бўлди. Аниқланишича, хонадон соҳиблари ёш болаларни уйда қаров-

Огоҳ бўлинг!

сиз қолдиришган. Улар эса гуфурт билан уйнаб, арчанинг тағидеги пахтани ёқиб юборишган. Оқибатда хонадонга анчагина моддий зарар етиб, йил кунгилсизлик билан бошланди.

— Ана шундай дилхираликлар булмаслиги учун нималарга эътибор бериш керак?

— Янги йил байрамини хурсандчилик билан ўтсин, деган юртдошларимиз қуйидаги хавфсизлик қоидаларига риоя этишлар мақсадга мувофиқ бўлади:

— биринчидан, арчани хона-

ЎТСИН

доннинг уртасига урнатиш керак, токи унинг шохлари деворларга етиб турмасин;

— арчани тез ёнувчан уйинчоқ, пахта, қоғоз билан безатмаслик;

— арчани безатишда қуввати 24 вольтдан юқори бўлмаган электр чироқларидан фойдаланиш;

— арча атрофида ёш болаларнинг қулига бенгал олови ва бошқа пиротехника воситаларини бермаслик.

Шу уринда барча ҳамюртларимизни янги йил билан табриклаб, байрамни хуш кайфият билан ўтказишларини тилайми!

Дармон ИБРОҲИМОВ
сўхбатлашди



ТУГИЛГАН ЖОЙ — ВАТАН

Дунелаги деярли барча мамлакатларда тутилган боланинг фуқаролиги «қонга қараб» аниқланади, яъни ота-онаси қайси мамлакат фуқароси бўлса, чақалоқ ҳам шу фуқароликни олади. Лекин АҚШ ва Лотин Америкасидаги бир қатор мамлакатларда бундай эмас. Айтайлик, Германия фуқаросининг фарзанди АҚШ ҳудудда тутилган бўлса, у Штатларнинг фуқароси сифатида рўйхатга олинади. Фақат элчилар ва консулларнинг болалари учунгина бу қоида қўлланилмайди.

АНА ХОПОС

Қирғизистонда ҳатто қушни қурган милиция ходимларини ҳам шошириб қўйган воқеа юз берди. Мамлакат Конституция сули биносида Миллий гвардиянинг уч нафар ҳарбий хизматчиси 17 яшар қизни зурлаб номуслига тегишти. Қонун устуворлигини таъминлаши керак бўлган шундай улуг даргоҳдаки жиноят содир этилар экан, бошқалар ҳақида нима дейиш мумкин?!

РАШК ЎТИДА ЁНГАНЛАР

Хабаровскада рашкчи эр хотиннинг устига бензин қўйиб ёқиб юборди. Каттик қуйган аёл касалхонага етказилди. Шу шарҳлик бошқа бир йилгит рашкдан эс-хушини йўқотиб, яхши қурган қизини отиб қўйишига сал қолди. Яхшиямки қиз учрашув жойига озгина кечикиб келди ва милиция ов милтиги билан қуролланган маҳбубини олиб кетаётганининг устидан чиқди.

ҲАМИЯТЛИ ЙИГИТ

Қоҳирадаги мухташам ресторанининг бирида никоҳ тўйи давом этарди. Навбатдаги табрик сузидан сунг қув бола шарбат тула бокалинни кулига олди, лекин эҳтиётсизлик қилиб келининг эгнидаги уч минг долларлик никоҳ либосига тўкиб юборди. Келин боланинг ҳам жадли тезгина экан. «Ҳузизга ухшамай қузинга қарасан ула-санми?» деди купчиликнинг ичида. Шу гапдан кейин қув меҳмонларга туйларига келишгани учун миннатдорчилик билдирди ва... хотинини уч талок қўйганини эълон қилди.

«МАШИНАНИНГ РАНГИНИ АЙТ...»

Америкалик руҳиятшунос олим Меатриса Лейсманнинг фикрича, машинанинг рангига қараб одамнинг кимлигини бемалол айтиш мумкин экан. Масалан, қизил рангли машина соҳиби — эътиборда бўлишга интилади; оқ — синчков, безовталикка мойил, танқид қилишни ёқтиради; яшил — зиёли, назокатли киши; жигарранг — эҳтиёткор, босиқ; «ичимдагини топ» хилдан.

Хорижий матбуот хабарлари асосида тайёрланди



Мухтарома ойижонимиз ШАРСАҲОН ОНА!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Умрингиз узок, тан-жонингиз соғ-саломат бўлишини Оллоҳдан сўраб қоламиз. Оқ ювиб, оқ тараб устирган фарзандларингиз бахтига яна узок йиллар уйларингиз турини тулдириб юринг.

Қувингиз Баҳодир, қизингиз Муборак



Азиз болақитим БУБУРЖОН!

Сени 30 декабр тутилган кунинг ва янги 1998 йил билан табриклаймиз. Орзуларинг ҳамма йўлдошинг бўлиб, Аллоҳнинг ўзи мадақдор бўлсин деб

Ойижонинг, холажонларинг Мухтарам, Муқаррам, Малика ва жиянларинг

Азиз ва меҳрибон ойижонимиз Маликазон АЗИМОВА!

Биз Сизни 16 декабр — тутилган кунингиз билан муборакбод этамиз! Сизга Оллоҳдан узок-умр, соғлиқ ва алаҳонимиз билан қуша қариб юришингизни тилаймиз.

Фарзандларингиз ва набираларингиз

Хурматли, азиз ва меҳрибон МАСПУРАҲОН она!

Сизни 48 баҳорни қаршилашингиз билан чин қалбимдан қутлайман. Оллоҳдан сизга мустаҳкам соғлиқ, боқий умр, бахтимизга ҳар доим жигарларингизга бош-қош бўлиб, қушганингиз билан қуша-қариб пиру-бадавлат бўлиб юришингизни сўрайман.

Улуг айемингиз муборак, опагинам, Омад сизга бўлсин ҳар доим йўлдош. Утиб-кетган ота-оналаримиз пок руҳи қўллаб Ҳар қаламда ёмон қўздан Оллоҳ ўзи асрасин.

Укангиз Имомхўжа ўғли Махсудхўжа



Хурматли ва азиз дўстимиз ОРИФЖОН!

Сени ҳаётингиздаги қувончли кун — таваллуд айеминг, яъни 21 ёшга тулган кунинг билан самимий табриклаймиз. Сенга узок умр, бахт-саодат, келгуси ишларингизда улкан зафарлар ер бўлишини тилаймиз. Қушларингиз нури, келажагингиз порлоқ бўлсин, ойдиндан ойдин орзуларингизга етишувингизга тилақдошимиз деб

дўстларинг Хуриш, Муҳиддин, Эгамназар, Ашраф, Зайдулла, Хайрулла

Ватдан мухташамимиз Шеробатой НОМЗОБОН қиз!

Сизни таваллуд айемингиз билан муборакбод этамиз. Меҳр нуригиз ҳамма хонадонимизни ёритиб турсин. Биз — фарзандларингиз бахтига ҳамма омон бўлинг.

Қизингиз Моҳира, Оққўрғон тумани

НАЗИМ-АҲОН!

Сизни 23 декабр — таваллуд топган кунингиз билан табриклайман. Сизга дуненинг барча шодликларини тилаб қолувчи

қурдошингиз РАЖЕШ

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги «Билимдон Ко ЛТД» фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**
Давволар бир ой давомида қабул қилинади.
тел: 35-04-83

Бодомзордаги 3 ва 4 хонали янги квартирани ҳовли уйга алмашаман.
Телефон: 54-82-19
133-28-20

«Ўзбектуризм» Миллий Компаниясига қарақли «Трансавтотуризм» ОТАЖНИНГ автобусларига «Ўзавтолицензия» томонидан берилган № 0070999; 0070914; 0070911 ва 002654 рақамли лицензиялар ҳамда № 0002653 рақамли халқаро лицензия йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Рухий мадад» фирмаси **ТУГАТИЛАДИ**
Давволар учун телефон: 22-05-64

Оила ва жамият

Азиз муштарийлар, 1998 йил учун газетамизга обуна давом этаяпти! Барчангиз учун семимли "Оила ва жамият" газетаси сизларга мунтазир.

ОБУНА - 98

КЎЗЛАРИМ ЙЎЛИНГИЗДА, ДАДАЖОН!

Изтироб

Утган куни ўқитувчи дугона билан учрашиб қолдик. У суҳбатимиз орасида қизиқ, аммо изтиробли бир воқеани айтиб берди.

— Яқинда 5-синф болаларига эркин темада ишшо ёзиб келишни уй вазифаси қилиб берганим, — деди дугона. — Ҳамма ҳар хил мавзуда ёзиб келибди. Аммо бир ўқувчимнинг ёзган ишшоси мени уйлантириб қўйди. Яхшиси сен ҳам ўқиб қур.

У шундай деб сумкасида бир дафтар олиб узатди.

Иншога «Қушларим йулингда, дадажон!» номли сарлавҳа қўйилган ва у шундай сатрлар билан бошланганди:

«Бугун ўқитувчимиз эркин темада ишшо ёзиб келишни буюрдилар. Мен анчадан буён ўйлаб юрган, аммо ҳеч кимга айтилмаган армонли туйғуларимни қоғозга туширдим. Азиз муаллим, мени қойманг, мана шунини ишшо ўрнида қабул этинг».

«Азиз дадажоним! Сизни қанчалар соғинганимни билсангиз эди! Баъзида ҳеч кимга билдирмай йиғлаб оламан. Ойимга айтай дейману, аммо

узларининг товлари йўқ. Унинг устига укам билан синглимнинг галласи, акам Зиеднинг эслаб-қу қон йиғлайдилар.

Айтгандай, акамни тоғам ва холамнинг маслаҳатлари билан утган йили ноғиронлар уйига топширганимиздан хабарингиз йўқ-а?

Биласизми дада, укам Дилшод ҳар доим ойимга «ҳамманинг даласи бор, нега бизники йўқ» дейиб қўлади. Унинг сизни қайдан ҳам эласин, айлан чикиб кетганингизда у ҳали чақалоқ эди-да.

Мақтабда, қучада болалар даласи олиб берган нарсалар билан мақтанганлиги. Шундай пайтларда мен... Менинг бугизига нимадир тиқилиб қолгандай бўлади. Ойим бечора кечқурун укам билан синглимни боғчадан олиб келиб, апил-тапил уйини йиғиштириб, овқат қилгуналарида кеч бўлиб қолади. Қушларига қараб «Дадам келармикинлар» деворай дейману... Гоҳида бошимни силаб «бунгаям даданга ухшамасанг-а, болам, сенга тикилсам даданг кўз олдимга келаверади, илоийм тақдиринг ухшамасин», деб қушларидан дув-дув еш оқали. Ойимнинг йиғла-

ганларини курсам, сизни жуда-жуда ёмон қуриб кетаман. Ойим бўлса: «Даданг ўзи ёмон олам эмасли, уша... уни тузонига илтириб олди-да, майли, Худо қуриб турибди-ку, унга ҳам боққан бало бордир. Ойингиз ун беши қоронгу бўлса, ун беши еруғ дейдилар».

Дадажон, эсимда ишга эрта кетиб, кеч келардингиз. Баъзан сизни ҳафталаб ҳам қуролмасдик. Ойимдан сурасак «даданг бечора, сизларни деб тиним билмайди», дердилар. Кейин-кейин келмай қоладиган олат чиқардингиз ва... умуман келмай қўйдингиз. Қуни-қушинларнинг айтишигча, сиз бошқа аёл билан яшаётган эмисиз. Унинг иккита боласи ҳам бор экан. Наҳотки бизларни уша аёлнинг болаларига қурмасангиз? Ойим қушлардан истиҳола қилдиларми, бувим ва амаким қанча ялниншмасин тоғамликка кетдик. Тоғам ишдан келсалар, болалари уқдек отилиб пептвоз чиқисади, мен қараб тураман, укам Дилшод эса улар қатори далалаб чопади. Тоғам ҳамма-мизни бир-бир уйиб қўядилар. Синглим Шаҳноза эса доим уларни кузатиб туради ва уйга

чоғиб кириб кетади. Унинг ҳар қунига аҳволи шу.

Ҳа, кеча акамнинг тутилган кунлари эди. Ойим билан бориб табриклаб келдик. Ушауца утиришга, гапирмайди ҳам. Ойим уйгача йиғлаб келдилар. Шундай эзилиб кетдикми...

Бувимларнинг айтишларича, дангиллама уй қурганмишсиз. Сиз билан яшаётган аёлнинг болалари қандай бахтли болалар-а, дея уйлайман. Биз эса битта уйда ҳаммамиз тиқилишиб яшаймиз.

Эҳ, дадажон, билсангиз эди биз сизни қанчалар соғинганимизни? Агар биров мендан бутун дунё болаларига тилагини нима, деб сураса: «ҳамма болалар уз ойи-дадажонлари билан бирга яшаганини ис-тайман», деган булар эдим.

Азиз дадажон, биз сизни ҳар сония кутиб қоламиз, деб углиндингиз Мурод».

Хурматли устоз! Узр, қалбимдаги гапларни тўкиб солдим. Анча енгиллашгандекман, худди ишшоини дадам ўқиб қурадигандек, бундан хулоса чиқарадигандек енгил бўлдим. Эринмай ўқиб чиққанингиз учун сизга ҳам раҳмат».

Малика БОБОҚУЛОВА

Иқроф

АДАШГАН ИСЁН

«— Йук, мен барибир хато қилдим, — деди аёл йигитнинг кузларига тикилиб. — Бундай қилмаслигим керак эди. Лекин, ҳали ҳам кеч эмас. Агар мен сизга урганиб қолсам (аёл, яхши куриб қолсам димоқчи эди-ю, истиҳола қилди), унда кеч булади. Чунки, ожиз булиб қоламан, одамларнинг таъна-дашномлари қулогимга кирмай қуяди. Сиз эса... мени ташлаб кетасиз. Бу нарса аёл қалбини топтаб юборди. Сиз менга: «Сени яхши кураман!» деяпсиз, лекин бу — ёлгон. Мени узоғи билан бир ҳафта яхши кураб, холос... Кейин мен сизни нима деб ҳам тухтата олардим. Мана, истаган нарсангизга эришдингиз ва буни оддий ҳол, деб ҳисоблайсиз. Мен ҳам фожеа ўз беради, деб ўйлаган эдим. Лекин бу ҳодисани фожеа даражасига кутаришдан виждон қани менда. Барчасини ким топтади? Наҳотки эрим топтаган бўлса? Ахир, унинг менга хиенат қилгани, наҳотки менга ҳам хиенат қилиш ҳуқуқини берса? Тугри, бу воқеани мен ўз қузим билан кургачгина ундан кунглим совиди, юрагим-

даги бир дарз мен истамаган ҳолда юз берди.

Бир куни тунда қайнонам эшикни илкис очиб уйготди.

— Нафоса, тур, эринг дуконда бир суюқоёқ билан дон олишгаётган эмис. Қушимиз Мас тура айтиб кетди. Тур, тез бор, — деб қолди.

— Куйинг, ойи, еш боламаслар-у, иккита фарзандимиз бор, — дедим.

— И-е, қанақа хотинсан узи? — деб жеркиб бердилар.

Ноилож йулга тушдим. Юрапман-у, қалтирайман. «Нима қиламан бориб? — дейман узимга-узим. — Жанжал кутараманми? Менга анча вақтдан бери қарамай қуйганларини, бошқа аёллар билан юришларини сезардимку? Шунки кизим билан қуришим шартми? Жавобимни беринг, дейишга барибир қурбим етмайди. Қурбим етганда, жавобимни бериб юборганлариди ҳам, иккита бола билан қаёққа бораман? Қайси остонага сиғаман?»

Эрим, маҳалламиз бошидаги

катта трасса еқасида кечаси билан нарса сотарди. Борсам, дукон очик. Эшикни тақиллатдим. Ичкари тапир-тушир булиб қолди. Эрим майкачан пештахта ёнига келди. «Эшикни очинг!» — деб бақирганимни биланман. Юзидаги табассум йуқолди. Унинг бундай табассумини фақат менгизга курганман деб ўйлардим. Бундай табассум унинг юзида яқинлик қилган пайтларимиздан сунггина пайдо булар ва бошқа ҳеч қачон курмасдим. У анча вақт туриб қолди. Бақир-чақирни авж олдириб юборганимдан сунг уткинчилардан ҳайиқиб, эшикни очди. Ичкарида бир урис қиз утирарди. Кира солиб ташландим. Соқларини юлиб ташладим. Шунда қайнонам ҳам етиб келди.

Бу воқеанинг утганига бир йилдан ошди.

Унга қасд қиламан деган ниятим йуқ эди. Лекин уч оламан деган бир тийиксиз истагимни ҳам тия олмасдим. Бу истак бутазорда кузга куринмай етган илонга ухшар эди. Кузга курин-

маса-да, яшарди. Тугрироғи, яшаб етган экан-да... Балки бу фикрим ҳам нотугридир. Балки мен сизни ростдан ҳам яхши куриб қолгандирман. Бу туйғунинг эримдан қасд олиш истағига мутлақо алоқаси йуқдир. Лекин, ҳарқалай Сиз мени ташлаб кетмасингиздан бурун бир-биримизни яхши курган ҳолда, учрашувларимизга чек қуйсак. «Асл ишқ — айрилик, дил—вал-ел эрмағи», деган бир шоир. Мактабда уқиб юганимда бир синфдошим: «Кел, бир упай. Эрга чиқсанг, минг бор упар у. Минг бор упар. Минг бора куп севмасаса у», — деб шёър езданди менга.

Ҳа, шундай булди. Эрим бошқалардан кура минг бора куп севмаса ҳам, минг бора куп улди. Лекин мана шу бусаларнинг узи ҳам барибир муҳаббат белгиси.

Аёл йигитнинг кузларига яна бир бор узоқ термулди: Йигитнинг кузлариди изтироб, умдворлик, меҳр ёлқинини куриб таскин топди. Дардини эшитув-

чи бир инсон унинг қарши-сила муте булиб турарди.

Эрим, беш йилнинг ичида бир марта хиенат қилган бўлса, сиз беш кундан кейин менга бир неча бор хиенат қиласиз. Мен сиздан садоқат талаб қилишга ҳаққим йуқ. Умуман мен, саҳрога маржон излаб чиққан киши ҳолатидаман. Шунисига ҳам шукур. Сиз билан учрашиб, утган бахтиёр дамларим учун ҳам барибир сиздан миннатдорман».

Йигит қизнинг кузларига термуларкан, ўз севгисини издор қилмоқчи булди. Лекин бу севги, қизнинг изтироблари қаршисида нақадар мурт эканини билиб индламай қуя қолди. Бу сукут унинг сузлаганидан кура яхшироқ эди. Нима қилсин, ҳаёт узи шунақа. Муҳаббат деганлари, унинг учун бир кунгил-хушликкина булиб қолган бўлса, у нима ҳам қилсин?

Бу йигит мажруҳ ва фалаж қалбини қандай ҳам куксидан сугуриб ташласин?

Агар иложи бўлса, у шундай ҳам қиларди.

Дилшоф АҲМАД ўғли

Қилмиш-қидирмиш

Кунларда бирида вақтида тайинли бир ишнинг бошини тутмаган қизилтепалик Эркин Қобилов зерикди, шекли кунгида Зарафшонни бир саяҳат этмак истағи туғилди. Аммо... Чунтақда хемири ҳам йуқлиги ана шу «аммо»га сабаб булди. «Ишбилармон» Эркинбой «аммо»нинг иложини «шест секундда» топди-қуйди. Хуллас... Тошработ жамоа хужалиги 21-бригададаги Турақул Турдиевнинг ҳовлисига кириб эшакни, сунг хужаликдаги Мавлуда Мавлонованинг ошхонасидан бир ярим халта ун, ун кило гуручни угирлади. Уғирланган ун ва гуручни угирланган эшакка юклаб Конимех томон йулга тушди. «Ишбилармон» йигит

«Мамуқчи» жамоа хужалигида яшовчи таниши Назоқат Аvezова ун ва гуручни 1500 сумга пуллалла, эшакка «бошинг очик» делию Зарафшон наҳрига йул солди.

Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, 1976 йилда туғилган, муқаллам судланган Эркин Қобилов устидан жиноий иш кузатилди. Эркинбой судда ўз айбини буйнига олди. Гарчи жабрдийда Ж.Турдиев ва М.Мавлоновалар Эркин Қобиловнинг гуноҳини кечирсалар ҳам суд ҳукми билан айбдор, деб топилган саяҳат истаган саяёх олти йилга «ўтириб чиқиш»га жунатилди.

Содиқ ДУСТ,
Қизилтепа тумани

САЁҲАТ ИСТАГАН САЁҲ



Мен сени уйлайман, ҳаслга чумиб,
ҳаслга чумди боғлар.
Мен сени уйлайман, яфроғлар суниб
дарактларни тарк этган чоғлар.

Ҳасллар келади қуюлиб —
мавжланади хотир еллари.
Едимга киради уюлиб,
тирамоҳнинг салқин еллари.

Мен сени уйлайман... энди
қолдирганинг менга уй, ҳасл.
Боғларимга тирамоҳ инди,

тирамоҳ силкитади ел.

Ҳокислар кунглумга узин ташлайди
Олис йулда толиққан ҳислар.
Сунг, расмини чиза бошлайди
хазонларга қумилган излар.

Мен сени уйлайман, ҳаслга чумиб,
ҳаслга чумди боғлар.
Мен сени уйлайман, яфроғлар суниб
дарактларни тарк этган чоғлар.

Иқром ОТАМУРОД

Удумларимиз

— Уз тажрибамдан гапирсам, бу ҳол қайнона «тақиқлағунча» давом этади. Ибоди келинчақнинг узи бу ишни тухта-тиб қуймайди. Шубҳасиз, бундай пайтда оила аъзоларидан бирортаси унинг «жонига оро» киради.

— Шу нарса аслида керакмикан? Қолаверса, куча-қуй учун фаррош бор, шанбалликлар уюштириб турамингиз-ку?

— Буни бизнинг одаларимиз ва расмусуларимизни топтамоқчи булганлар уйлаб топишган. Айтайлик, халқимизда меҳмоннинг қулга меҳзон болакай офтобада сув қуйиш таомили бор. Боласиз уйда буни катталар бажаришади. Бундан қулганлар ҳам булган. Меҳмоннинг қулга сув қуйиш унга булган юксак эҳтиром рамзидир. Бунда унинг мансаби аҳамиятсиз. Халқимизда еши улугларга нисбатан катта ҳурмат-эҳтиром курсатилади. Буни тобеликка еки бошқа маънога йўмаслик керак.

Ҳа, қалбда узбекнинг минг йиллик удумларига ҳурмат, қадриятларига иззат сақлаётган келинлар ҳақида ҳар қанча ёзсак арзийди.

Темур ЭШБОЕВ

КЕЛИНЛИК МАСЪУЛИК-ЛА ТУЗАЛ...

Тан олиш керак, барча қадриятларимиз қатори келин туширишлари удумларимиз ҳам унутилаёзган эди. Чунки собиқ совет тузуми келинчақлар қулдан супургини олиб, кетмон тутқазди. Кучаларни супуриш учун фаррош халалар ва амакилар топди. Уларга маош берди. Бирок бугунги суҳбатимиз уларнинг керак еки ноқарақлиги ҳақида эмас, балки баъзи жойларда сақланиб қолган келинликнинг ўзига хос хусусиятлари тугрилади.

— Келинчақ тўйнинг эртасигақ кўёвнинг уйидаги супуриш-сидириш ва бошқа юмушларни зиммасига олади, — дейди судбатдошимиз, Қизилтепа тумани ҳокими муовини М. Насруллоева. — Бу бизда оддий ҳолга айланган.

Ҳовлининг, оиланинг сараңжом-сарошталити учун келин масъул. Умуман, халқимизда ҳар бир оила аъзосининг бирор нарсига масъулдиги бор. Уша масъулдиги бузилмаган оилада тинчлик, осойишталик, қут-барака булади.

— Келиннинг она булиши арафасида бу каби таъвишлар унга ортиқчалик қилмайди? — қизиқиб сурраймиз у кишидан.

АЖАЛГА ТИК БОРГАНЛАР

Бошқа ерда қандай билмадик, лекин Сурхондаренинг деярли барча туманларида вақти-вақти билан электр қувватини узиб қуйиш одат тусига кириб қолди. Айниқса, энди телевизор кураётганингизда еки дастурхонга таом келганда чирок учиб қолса, бир зумда ҳамма томон киен-түфон булади. Шам излаган ким, мой чирок ахтарган ким. Туй авжига чиққан паллада узилса-ку, томошанинг зури уша ерда деяверинг.

Лекин биз айтмоқчи булган гап бу ҳақда эмас. Гап...

Жарқурғон туманидаги «Сурхон» ширкатлар уюшмасига қарашли Чинор электр

Қойилмисиз?

тармоғи станциясидаги мутасаддилар кунларнинг бирида вақтинча электр қувватини тухтаиб қуйиши. Ана шунда... симо-тоқларга тортилган минг метр симни юраги отнинг калласидек булган қимди (балки қимлардир) умарди. Яқин уртада бундай утириқнинг изидан тушмаган ички ишлар ҳодимлари қатыят билан излашга тушдилар. Ҳали — ҳозирча ажалга юзма-юз бориб, симни угирлаганлар топилганича йуқ.

Маҳмуд АБУЛҲАЙЗ,
Сурхондарё вилояти

КИМЛАР ЯФВ ЭТИЛМАЙДИ?

Сўраган эдингиз

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг беш йиллиги муносабати билан Президентимиз Ислоҳ Каримов амнистия эълон қилди. Президентнинг амнистия бериш ҳуқуқи Республикаимизнинг қайси қонуналарида ўз аксини топган?

**Тобшек НИЁЗМЕТОВ,
Боёғут тумани**

Сиз тилга олган, яқинда 5 йиллиги нишонланган Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг барча ваколатлари батафсил курсатиб утилган. Жумладан, Қомусимизнинг XIX боби «Ўзбекистон Республикаси Президенти» деб номланган бўлиб, 93-модданинг 20-бандида шундай сатрлар бор: «амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни афв этди».

Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармони Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 247, 248, 271, 272, 273-моддаларида ҳамда 270-модданинг 2, 3-қисмларида кўрсатилган жиноятларни содир этганларга нисбатан қўлланилмайди. Ана шу моддалар қандай жиноятлар учун тайинланади?

**Даврон МАДАМИНОВ,
Хива шаҳри**

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг:

а) 247-моддаси ўқотар қуро, ўқ-дорилар, портловчи моддалар еки портлаш

қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаганлик учун;

б) 248-моддаси тегишли рухсатнома-сиз ўқотар қуро, ўқ-дорилар, портловчи моддалар еки портлаш қурилмаларини тайёрлаганлик, олиш, олиб юриш, сақлаш еки утказганлик учун;

в) 270-модданинг 2-ва 3-қисми тақиқланган экинларни, яъни қукнор, мойли қукнор, каннабис усимлиги ёхуд таркибда гиёҳвандлик воситалари еки психотроп моддалар булган экинларни қонунга хилоф равишда екиш еки етиштириш билан боғлиқ жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб; уртача катталикдаги экин майдонида; илгари гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноят содир этган шахс томонидан; ута хавфли рецидивист томонидан; уюшган гуруҳ томонидан еки унинг манфаатларини қўлаб; катта экин майдонида содир этилган бўлса;

г) 271-модда гиёҳвандлик воситалари еки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда, угрилик еки фирибгарлик йули билан эгаллаганлик учун;

д) 272-модда гиёҳванд моддалар еки психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда утказганлик учун;

е) 273-модда гиёҳвандлик воситалари еки психотроп моддаларни утказиш мақсадини қўлаб қонунга хилоф равишда қўп бўлмаган миқдорда тайёрлаш, эгаллаш, сақлаш, таниш ва тарқатиш билан шугулланганлик учун; ушбу модда ва воситаларни лабораторияларда еки узганинг мулки ҳисобланган восита ва асбоб-ускуналарда еки прехурсафлардан фойдаланган ҳолда қонунга хилоф ра-

вишда тайёрлаганлик, қайта ишлаганлик, шунингдек бундай воситаларни истъмо, қилиш еки тарқатиш учун бангхоналар ташкил қилганлик еки уларни сақлаб турганлик учун қўлланилади.

Буларнинг бари жамият учун хавфли жиноятлар ҳисобланади ва улар афвга лойиқ эмас.

Амнистия тўғрисидаги Фармоннинг «Жазони ўташ тартибини бузган маҳкумларга, шунингдек илгари амнистия ёки афв этиш тартибда жазодан озод этилган шахсларга нисбатан Фармон тадбиқ этилмасин», деган бандини тўлароқ изоҳлаб берсангизлар?

**Манзура БОБОЁРОВА,
Денов тумани**

Айрим кимсалар борки, улар қилган ишларидан афсусланиш урнига жазони ўташ жойлари — колония ва қамоқларда ҳам тартибни буздилар, жиноятлар содир этиб, қўшимча муддатлар оладилар. Табиийки, бу каби — қилмишига пушаймон бўлмаганларни афв этиш мақсадга мувофиқ эмас.

Едингизда бўлса, фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги, Республика-миз мустақиллигининг беш йиллиги муносабатлари билан ҳам Президентимиз амнистия эълон қилган эди. Ушанда афв этилганлар ичида ота-онаси, ёр-биродарлари, фарзандлари, қавму-қариндошлари бағрига соғ-омон қайтганларига шуқур қилиб, бундан буен ҳалол турмуш кечирши урнига «эски касби»ни қуймаганлар ҳам бўлди. Ана шу — илгари афв этилиб, яна жиноят содир этганларга ҳам амнистия қўлланилмайди.

АЛДОҚЧИ ҲАВАС ҚУРБОНЛАРИ

Ё, тавба!

Қонунари, ҳақ-ҳуқуқларни билмаслик турли кунгилсизликларни келтириб чиқаради. Шарқий Европанинг, ҳусусан Россия, Украина ва Белорусияда яшовчи еш-еш қизлар ҳою-ҳавасларга, романтикага берилиб, хорижлик эркакларга турмушга чиқилапти. Бунинг оқибати эса... Хуллас, қуйидаги мақола шу ҳақда.

Алла бундан рошпа-роса икки йил бурун Швейцария фуқаросига турмушга чиққанди. Улар «Никоҳ ва оила» таништирув фирмаси орқали топилдилар. Юрген (у Алладан 25 еш катта)нинг асосий шарт: Алла унга фарзанд туғиб бериши керак. Алла ҳомиладор бўлиши билан улар никоҳдан ҳам утишди. Ортиқча сарф-ҳаражатларга Юргеннинг бўйни ёр бермас, лекин туғила-жак бола учун буюмлар олишга аямай пул сарфларди. Бунинг сабабини Алла кейин — кизи Лена Хеллен туғилгач билди. Аслида Юргеннинг хотини бор экан. У она бўлиш бахтидан мосуво бўлгани учун шу йулни танлашибди. Юрген Аллани болани ташлаб Россияга қайтиб кетишга ундай бошлади, ҳатто жисмоний таъйиқ утказишгача бориб етди. Алла тасодиф туфайли бола би-

дан Россияга қайтиб келди, лекин боралиган муқим жойи йўқ. Опанининг уйига боровмайди. У ерга Юргеннинг адвокатлари танда куйиб олишган. Қулай пайт бўлди, дегунча болани олиб қуйишлари тайин.

Узилан, қунол қилиб айтганда, инкубатор сифатида фойдаланишганини англаб етган Алланинг қарори қатъий: боласини узи катта қилишни истади.


Анна газетда қуйидагича эълонни ўқиб қолди: «Немис эркаклари оила куриш мақсадида рус аёллари билан танишадилар»: Бой-бадавлат куевтура учрашидан умид қилган Анна дарров курсатилган рақамга қўнғироқ қилди...

лос. Курт эса гўшангага киришни ҳатто хаелига ҳам келтирмади. Шундан кейин Анна узининг хотин эмас, югурлак сифатида бу уйга келганини англаб етди. Бир куни эрининг уч таниши уни зўрлаб номусига тегишли ва шаҳарга элтиб, ислатовхонага сотиб юборишди. Аннанинг қуллиқдаги ҳаёти бир

йилдан ошиқроқ давом этди.

Алдоқчи ҳаваслар қурбонига айланган аллау аналлар елғиз эмас. Йилига минглаб аёллар хорижлик куевтураларининг «турига» илиниб, сунг пепонасига муштлаб юришибди.

«АлФ»дан олинди



— Не, қайёққа олиб келишди?

XX аср: ҳодисалар силсиласи

Дунёдаги энг текис йуллар қасрдалигини биласизми? Сингапурда. Бу ерга ҳатто дуненинг энг ривожланган мамлакатларидан ҳам мутахассислар келиб йул қуриш сирларини урганишади. Дунёдаги энг яхши, хизмат курсатиш маданияти юқори булган аэропорт қасрда жойлашганини айтолмасизми? У ҳам Сингапурда. Британияда чоп этиладиган «Бизнес трэвеллер» журнали утказган суровдан сунг Сингапурдаги Чанг аэропорти энг зурлиги аниқланди.

Энг тартиб-интизомли ҳайдовчилар қасрда яшади? Албатта, Норвегияда. Бу мамлакатда ҳар минг ҳайдовчидан 45 нафари йул ҳаракати қондасини бузди ёхуд йул-транспорт ҳодисасига учрайди, холос. Италияда бу курсаткич 146 та эканини эътиборга олсак, норвегияликлар ростдан ҳам интизомли эканига амин бўлаемиз.

Замонавий фан мушуклар қуши билан 12-15 йил умр куради, дейди. Лекин Австралиянинг Атина шаҳрида яшовчи С. Бароннинг «Томи» лақабли мушуги бу фикрни чиппаққа чиқарди. Яқинда Томи қирққа кирди.

Никарагуа пойтахтида утказилган «Энг ақлли тутиқуш» танловда «Гоа» лақабли тути гўлиб чиқди. У йига қобилиятли бўлиб, инглиз тилида Шекспир сонетларини, немисчада Гете шёрларини, испанчада Лоттин Америка қушиқларини ижро етди. Француз тилида эса... қойиллатиб сукинади.

Япониянинг «Нихон дэнки» фирмасида ута қобилиятли суперкомпютер ишлаб чиқарилди. У бир ескунда ярим миллиард иш жараёнини амалга ошира олади.

БИЛДИРУВ

Газетамизнинг навбатдаги сони 31 декабр куни чиқади

Оила ва жамият

БОШ МУҲАРРИР: МУҲАММАД ИСМОИЛ

Ҳомий «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти

Муассисларимиз: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси

Телефонлар: Бош муҳаррир - 133-28-20, Котибият - 34-86-91, Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

Обуна индекси - яқка обуначилар учун 176 ташкилотлар учун 177

Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 0836
28943 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табақ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Навбатчи Раҳмон ҚОДИР

Шioriимиз:
Оила - жамият фахри

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41- уй. Босишга топшириш вақти - 20.00 Босишга топширилди - 19.30